

## Одамларга биладиган нарсаларини гапиринглар | Сийрат дарслари (248-дарс)



19:00 / 22.09.2023 3914

280. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Одамларга биладиган нарсаларини гапиринглар. Ёки Аллоҳ ва Унинг Расулининг ёлғончига чиқарилишини истайсизларми?»**

*Бухорий ривоят қилган.*

281. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳоким ҳукм қилган чоғида ижтиҳод қилиб тўғри топса, унга икки ажр бўлади. У ҳукм қилган чоғида ижтиҳод қилсаю, хато қилса, унга бир ажр бўлади», дедилар.**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

282. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз денгиз (кемаси)га минамиз. Ўзимиз билан озроқ сув оламиз. Агар у билан таҳорат қилсак, чанқаймиз. Денгиз сувида таҳорат қилаверайликми?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг суви пок, ўлимтиги ҳалолдир», дедилар».**

*Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Жоруд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

283. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Бирортангиз оқмайдиган турғун сувга бавл қилмасин, (чунки) кейин унда ғул қилиши бор», деяётганларини эшитдим».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

284. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир идишдан ғул қилар эдик. Қўлларимиз унга навбатма-навбат кириб-чиқар эди. Ҳатто «Менга ҳам қолдир», дердилар. «Менга ҳам қолдиринг», дер эдим».**

*Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.